



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TEMIR YO'LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
«O'ZTEMIRYO'LNAZORAT»**

FARMOYISH

« 18 » 05 2020 й.

TOSHKENT

№ 86

**Техник жиҳатдан тартибга солиш
соҳасидаги эксперт кенгашини
тузиш ва унинг таркибини
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ва Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2060) мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 19 мартдаги 06/1-761-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 7 апрелдаги Е-673-сонли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида:

БУЮРАМАН:

1. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги миллий қонунчиликни Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари қонунчилигига мослаштириш ва уйғунлаштиришга қаратилган “Йўл харитаси” маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Тезюарар темир йўл транспортининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент” ва “Темир йўл инфратузилмаси хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент” лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги Эксперт кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Эксперт кенгаши таркибига “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзстандарт” агентлиги ходимлари олдиндан келишилган тартибда киритилганлиги эътиборга олинсин.

4. Эксперт кенгаши котиби:

- Эксперт кенгашининг умумий техник регламент лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш бўйича ишини ташкил этсин;

- мажлисларнинг ўтказиладиган санаси ва жойи тўғрисида Эксперт

кенгаши аъзоларини ўз вақтида хабардор қилсин, шунингдек, лойиҳани ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материалларни тақдим этиб борсин;


- техник регламент лойиҳаси тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан келишилишини таъминласин.

5. Эксперт кенгаши аъзолари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2060) буйруғи талабларига мувофиқ белгиланган тартибда техник регламентларни ишлаб чиқиш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, тармоқ жадвалларида лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг барча босқичлари, ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда келишиш ва келишилган лойиҳаларнинг Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддатлари, эксперт кенгаши аъзоларининг вазифалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни киритсин.

6. Мазкур фармойиш инспекциянинг тегишли бўшлимларига, эксперт кенгаши аъзоларига етказилиши таъминлансин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда колдираман.

Инспекция бошлиғи в.б.



Д. Ахмедов

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги Эксперт кенгаши
ТАРКИБИ

Эксперт кенгаши раиси:	Инспекция бошлиғининг ўринбосари	А. Абдурахманов
Эксперт кенгаши раисининг ўринбосари:	“Ўзстандарт” агентлиги Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси бошлиғи (келишилган тартибда)	Д. Ходжикариев
Эксперт кенгаши аъзолари:	“Темир йўл маҳсулотини сертификатлаштириш” ДУК директори	М. Рафиков
	Инспекция бош юрисконсульти	Ш. Рахмонов
	Инспекция норматив-технологик бўлими бошлиғи	Ф. Юлдашев
	Инспекция норматив-технологик бўлими бош мутахассиси	Д. Мадаминаова
	Инспекция темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бошлиғи	А. Нарходжаев
	Инспекция бўлими бошлиғи	Ф. Комилов
	Инспекция таҳлил, экспертиза ва назорат бўлими бошлиғи	Н. Киященко
	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Техник ва технологик назорат бошқармаси “Қамчиқ” тоннели ишларини бошқариш ва мувофиқлаштириш хизмати хавфсизлик бўйича бош мутахассис (келишилган тартибда)	Ғ. Абдуллаев
	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари (келишилган тартибда)	О. Кулахметов
	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Стратегик ривожланиш бошқармасининг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи (келишилган тартибда)	Р. Хурсанов
Эксперт кенгаш котиби:	“Темир йўл маҳсулотини сертификатлаштириш” ДУК директорининг биринчи ўринбосари	О. Тохиров

Изоҳ: Эксперт кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилсин.